

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ КЎРСАТУВЛАРДА ЖУРНАЛИСТ КАСБ ЭТИКАСИ

Халилова Муҳаббат Ёрмаматовна
ЎзЖОКУ магистранти

Аннотация. Ушбу мақола умумий этика, журналист касб этикаси ҳамда маданий-маърифий кўрсатувларда журналист касб этикаси ҳақида бўлиб, бугинги кунда журналистика соҳасида муҳим саналган журналист касб этикаси муаммолари ва ечимларини ўрганади. Мақолада соҳа бўйича муҳим маълумотлар ёритилган. Журналист касб этикасининг афзалликлари ҳамда зарарли томонлари батафсил таҳлил этилган. Умумий этика ва журналист касб этикасининг маданий-маърифий кўрсатувлардаги кўринишлари хорижий ва миллий тажрибалар мисолида атрофлича ўрганилган.

Калит сўзлар: умумий этика, журналист касб этикаси, тележурналистика, ижтимоий хулқ-атвор, тележурналист, маданият ва маърифат, маданий-маърифий кўрсатувлар.

Abstract. This article is about general ethics, journalistic professional ethics, and journalistic professional ethics in cultural and educational programs, and explores journalistic professional ethics problems and solutions that are considered important in the field of journalism today. The article covers important information about the industry. The advantages and disadvantages of journalistic ethics are analyzed in detail. The manifestations of general ethics and journalistic professional ethics in cultural and educational programs are thoroughly studied on the example of foreign and national experiences.

Key words: general ethics, journalistic professional ethics, telejournalism, social behavior, telejournalist, culture and enlightenment, cultural and educational programs.

КИРИШ

Ҳар бир ташкилотда касб этикаси ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларининг ўрнатилиши, аввало, ташкилотдаги ички муҳитнинг барқарор тарзда ривожланишига, ходимлар вазифаларини амалга ошириш чоғида мажбурий бўлган хулқ-атворнинг маънавий ва ахлоқий принципларини самарали тарзда қўлланилишига замин яратади.

Касб этикаси дейилганда, муайян бир касб фаолиятида қўлланиладиган асосий тамойиллар ва маънавий қоидалар мужассамланган касб қоидаларини тушуниш лозим. Бунда касб этикаси қоидалари жамият томонидан қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосликларига нисбатан татбиқ этиладиган касбий бурч, ор-номус ва кадр-қиммат каби хатти-ҳаракатлари мажмуини ўз ичига олади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Журналистнинг касб этикаси тушунча сифатида ўз тарихига эга. Лекин биз унинг тарихи ҳақида сўз юритишдан аввал, касб этикасининг умумий этикадан фарқини тушуниб олишимизга тўғри келади. “Касб этикаси” умумий этиканинг узвий ва ажралмас тармоғи, лекин ундан фарқли тушунча[1]. Касб этикаси атамаси кишилар ўртасидаги касбий фаолият билан боғлиқ муносабатларга маърифий тус берадиган хулқ-атвор кодекси, дейиш ҳам мумкин. Юқорида айтганимиздек, касб этикаси умумий этиканинг ўзига хос бир қисми бўлиб, махсус ва аниқ нарса сингари умумий нарсдан фақат ўзига хос шакл ўзгариши билангина эмас, балки умумий нарсани ўз ичига ололмайдиган ўзигагина хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Умумун олганда, касб этикаси барча учун бирдек тааллуқли бўлмаган, муайян касб эгаларигагина тегишли ижтимоий хулқ-атвор қоидалари, меъёрлари йиғиндиси.

Ана энди бевосита мавзуимизга оид, яъни маданий-маърифий кўрсатувларда, умуман олганда тележурналист касби этикаси ҳақида сўз юритамиз. Тележурналистика этикасига доир кийиниш, нутқ маданияти, хатти-ҳаракат, ҳатто кўз қарашлари овозни баланд-паст тутишда ҳам ўзига хос талаблар, шартлар бор. Тележурналистикада мустаҳкам ўрин эгаллашда журналистнинг шахси катта аҳамиятга эга. Радио ёки телемикрофондан миллионлаб тингловчи ва томошабинга қарата сўз айтаётган журналист шахс даражасига кўтарилмоғида гап кўп. “Шахсиз радио қандайдир ғайритабиий бир нарсадир, – деб ёзади таникли радиожурналист ва мутахассис олима К.Исмоилова. – “Шахслик мақоми” замонавий радиожурналистиканинг муҳим белгиси сифатида эшиттиришнинг мазмун-мундарижасига бевосита таъсир кўрсатади” [2].

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Тележурналистикада имкониятлар қанчалик кўп бўлса, масъулият ҳам шунчалик ортади. Тележурналист, биринчи навбатда ўзининг ташқи қиёфасини тартибга келтирмоғи шарт. Иккинчидан, экранга олиб чиқаётган ҳар бир лавҳа, манзара ва сахна кўриниши учун у жавобгар ҳисобланади (кўрсатилаётган кишиларнинг сонидан, жойидан, уларнинг қиёфасидан, ҳолатнинг

қандайлигидан қатъий назар). Тележурналистикада ҳам овоз муҳим аҳамиятга эга, бунда унинг вазифаси радиожурналистнинг вазифасига ўхшаш бўлади. Лекин тележурналистнинг ҳар бир хатти-ҳаракати – қоматининг тутиши, ўтириши, хатто оддийгина кўз қарашлари ҳам кўрсатувнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин. Шу қоидаларга риоя қилиш-қилмаслик тележурналистикада касб этикаси нормалари ҳисобланади.

Сўнгги йилларда хилма-хил мавзуларда интерактив шаклдаги эшиттириш ва кўрсатувлар кўпайиб бормоқда, тўғридан-тўғри дастурлар тайёрланмоқда. Бундай ҳолатларда журналистларнинг, телебошловчиларнинг масъулияти ҳар қачонгидан ортади. Бу вазиятда у нафақат ўзи, балки дастурда иштирок этаётган тингловчи ё телетомошабин учун ҳам жавоб беради. Бу эса унинг ўз соҳасида касб этикаси меъёрларини нечоғли чуқур билиши ва унга амал қилиш малакасидан далолат беради.

Бугунги кунга келиб ўзбек тележурналистикасида маданий-маърифий кўрсатувларнинг сони кўпайди, айнан бу йўналишдаги кўрсатувларга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли бойитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги ПҚ-1794-сон Қарори асосида “Маданият ва маърифат” телеканали ташкил этилди [3]. Юртимиз маданий-маърифий ҳаётига оид кўплаб янги лойиҳалар билан иш бошлаган телеканал телетомошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Бу эса юртимиз аҳолисининг маданий-маърифий соҳалардаги ахборотга бўлган эҳтиёжи катта эканини кўрсатади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, канал ўз фаолиятини 2013 йил 1 январда бошлаган. Телеканал 20 йилдан буён кўплаб маънавий-маърифий кўрсатув, ток-шоу, илмий-маърифий, инфорацион ва кўнгилочар кўрсатувларни томошабинлар этиборига тақдим қилиб келмоқда. Бугунги кунга келиб телеканал дастурлари рўйхатидан “Бугун”, “Мундарижа” инфорацион дастурлари, “Очиқ студия”, “Образ шоу” ток-шоулари, “Мезон”, “Бағри кенг диёр”, “Уйга қайтиб”, “Ижодий учрашув”, “Анъана” каби маънавий-маърифий теледастурлар, “Мактуб”, “Имтиҳон”, “Тадқиқот”, “Сайқал”, “Дунё бастакорлари”, “Мен севган асар” каби илмий-маърифий теледастурлар ўрин олган [4].

Энди шу каби кўрсатувлардан бири “Уйга қайтиб” маънавий-маданий теледастурига эътиборингизни қаратсак. Телекўрсатув ойда икки марта эфирга узатилади, давомийлиги 45 дақиқа. Дастур бошловчиси таниқли журналист

Юлдуз Файзий. Лойиҳада юртимизда турли хизматлари билан танилган инсонлар ўзлари туғилиб ўсган кадрдон уйлари, қишлоқ ва маҳаллаларига бориб болалик, ёшлик хотираларини томошабинларга ҳикоя қилиб беришади. Теледастур бошловчиси ўз касб этикасини яхши ўзлаштирган тажрибали журналист. У суҳбатдошини тинглашни, гапини бўлмасликни, мазмунли ва ўринли савол беришни билади.

Умуман олганда маданий-маърифий теледастурлар бошловчисининг бошқа теледастурлар бошловчиларидан фарқи бўлади. Бу фарқ журналист касб этикасида ҳам ажралиб туради. Маданий-маърифий теледастурлар нисбатан кўнгилга яқин, таъсирчан, инсон туйғуларини жўмбушга келтирувчи бўлгани сабабли бу йўналишда ижод қилувчи журналистлар ҳам кўнгил одами бўлишади. Табиийки, бу каби ҳарактерли инсонларда назокат, эстетик дид, этика анча яхши ривожланган бўлади. Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, бу йўналишда фолият юритувчи журналистларда ҳам касб этикаси нуқтаи назаридан турли хил камчиликлар учраб туради.

Мисол учун теле ёки радиобошловчи, мухбир ўз суҳбатдошининг гап-сўзларига эътиборсизлик қилса (бу экранда айниқса сезилади), унга ўринсиз саволлар берса, ҳатто жеркишга ўхшаган муносабатлар қилса, буларнинг ҳеч бирини оқлаб бўлмайди. Нодавлат радиоканаллардан бирида интерактив усулда эшиттириш боряпти. Бошловчи савол берди. Тингловчилар жавоб қайтаришмоқда. Шунда тингловчи қиз ўз жавобини айтди. Бошловчи, “Бекор айтибсиз, бу жавоб нотўғри” деди. Бу жавобдан нафақат ўша қизнинг, балки бошқа кўплаб радиотингловчиларнинг ўша бошловчи йигитдан, ўша туркум эшиттиришдан, ҳатто умуман радиодан кўнгли қолиши ҳеч гап эмас!.. ёки яна бир мисолга эътиборингизни қаратсак, Филология фанлари доктори Санжар Содик “Ўзбекистон” телерадиоканали орқали берилган “Юлдузли тун” туркум эшиттиришларидан бирида “Ўткан кунлар” романидан саҳифалар ўқилгани, унда Кумушбибининг Отабекка йўллаган хатини эркак бошловчи ўқиганини мутлақо нотўғри деб ҳисоблайди [5]. Яхши топилган мисол, радиожурналистнинг арзимасдек кўринган эътибор-сизлиги туфайли қандайдир беўхшовлик келиб чиққан. Бордию, Отабекнинг Кумушбибига йўллаган мактубини аёл бошловчи ўқиб берса ҳам худди шундай ҳолат юз бериши турган гап.

Ёки яна бир мисол, телевидениеда қирққа яқин турли соҳа эгалари йиғилишган. Ток-шоунамо кўрсатув намойиш этилмоқда. Иштирокчиларнинг ёши турлича. Қайсидир саволга ёш йигит жавоб бера бошлади. Бошловчи тўсатдан уни гапдан тўхтатиб, “Сиз шошмай тулинг, аввал мутахассислардан

эштайлик” деб микрофони юлқиб олгудай важоҳатда бошқа иштирокчига олиб берди. Бу ҳам одобга зид ёндашув. Чунки кўрсатув иштирокчиларининг мавқеи бир хил ҳисобланади. Албатта, ёшни фарқлаш керак, оддий киши билан мутахассис ўртасида ҳам фарқ бор. Лекин булар бошқа бир иштирокчидан микрофони тортиб олиш, уни ноқулай аҳволда қолдириш ҳуқуқини бермайди. Бундай ҳолатларда журналист ниҳоятда усталик билан, сездирмаган ҳолда ниятини амалга ошириши ҳам мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ҳар қайси соҳа вакиллари ўз касб этикаларига риоя қилишлари керак. Шундагини ҳар икки томонлама мувозанат сақланган бўлади. Кўплаб Европа давлатларининг журналист этикаси бўйича қоидалари мазмунан деярли юқорида келтирилганидек. Ҳамма нарсани ёритишда касбий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, эхтиросларга берилмасдан, журналистик этика нормаларига риоя қилган ҳолда яхши асар ярата оладиган журналист ҳақиқий профессионалдир. Чунки, ҳар қандай журналистнинг ахлоқий нормаларга эътиборсизлиги унинг нопрофессионал эканлигидан даракдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Х.Дўстмуҳаммад Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. Т.: 2011. 144
2. Исмаилова К. Голос перемен. Т.: Насаф. 2010. – С.176.
3. <https://lex.uz/ru/docs/2073846>
4. <https://www.mtrk.uz/uz/tv/madaniyat/tvshows/>
5. Содик С. Радиожурналистика асослари ва аудиовизуал журналистика. Т.: Мумтоз сўз. 2010. – Б.34-36.